Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 6-yanvar, seshanba, № 3 (3508)

*Улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Ҳеч қачон унутманг, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқболини, халқимиз озодлигини кўз қорачиғидек асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоя қилишдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2015 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2015 йилнинг март-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг Котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабр

### 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни



## МУСАФФО ОСМОНИМИЗ ШУНҚОРИ

***Юрт ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган ҳарбий хизматчилар бугун Қуролли Кучларимиз сафида талайгина. Вертолёт отряди командири вазифасида бир неча йилдан буён фидокорона хизмат қилиб, профессионаллик сари дадил одимлаётган подполковник Муҳаммадали Ёдгоров шундай ҳарбийларимиздан бири. Президентимизнинг фармонига асосан у мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги арафасида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.***

**КАСБИМ — ФАХРИМ, ҒУРУРИМ**

Подполковник М.Ёдгоров Қарши шаҳрининг «Араловул» маҳалласида вояга етган. Мактабда табиий фанларни аъло баҳога ўзлаштирган Муҳаммадали устозлари эътиборига тушди. Улғайгани сари ҳарбий учувчиликка ҳаваси ортиб борди. Шу боис академик ҳарбий лицейда ўқиб, илк ҳарбий кўникмаларга эга бўлди. Академик лицейни битириш арафасида ҳаётини шарафли соҳа билан боғлашга қатъий қарор қилди ва бу мақсадини ота-онаси ҳамда яқинларига айтди. Барча уни қўллаб-қувватлаб, оқ йўл тилашди. Айниқса, отаси Ҳалил ака Ёдгоровнинг боши кўкка етди. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ва мустақиллигимиз меваси бўлмиш Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига қабул қилиниши унинг орзуларини рўёбга чиқарди. Синовларда юқори балл тўплаб, олий ҳарбий таълим муассасасининг курсанти, деган номга сазовор бўлди.

— Ўша кунги ҳаяжон ва шодлигимни тасвирлаш қийин, — дейди подполковник М.Ёдгоров, — Айниқса, ота-онам ва яқинларимнинг қувончи чексиз эди. Отам бағрига мени маҳкам босиб, севинч кўз ёшларини тиёлмасдан: «Ўғлим, сенга ишонардим, юзимни ёруғ қилдинг. Бу катта шараф, катта масъулият, энди янада пухта ўқиб, шу касбда камол топиб, эл-юрт тинчлиги йўлида белингни маҳкам боғлаб хизмат қил», деган эди. Отамнинг ушбу ўгитлари ҳар он қалбим тўрида, унга амал қилишни ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан.

Курсантлик бўлажак офицерларнинг энг ширин, унутилмас лаҳзаларга бой вақти ҳисобланади. Қаҳрамонимиз ҳам бу дамларни бошидан кечирди, шу билан бирга, учувчилик сир-асрорини пухта эгаллади.

●○●●▶ 2

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Янги — 2015 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.***

*Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг табрикномасида шундай дейилади:*

### «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Янги йилда тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

2015 йилда мен барча учун янада барқарор ва хавф-хатарсиз дунёни барпо этиш борасида мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик ва биргаликдаги фаолиятимиз мустаҳкамланишини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Самимият ила

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти»**

*Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаганлар:*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**

Мўғулистон Президенти — **Цахиагийн Элбегдорж**

Ирландия Президенти — **Майкл Хиггинс**

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири — **Йоичи Миязава**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Дмитрий Мезенцев**

БМТ Бош котибининг вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марказ раҳбари — **Мирослав Енча**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — **Юрий Штерк**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

● Сайлов

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.***

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов 22 сайлов округининг ҳар бирида асосий сайлов натижалари бўйича энг кўп овоз олган икки нафардан депутатликка номзодга такрорий овоз берилганини маълум қилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар сайловчидан 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи такрорий овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 76,9 фоизини ташкил қилди.

Такрорий овоз бериш миллий сайлов қонунчилигининг барча қоидаларига мувофиқ, умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида очиқ ва ошкора ўтказилди. Тегишли округларда депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда сайловолди ташвиқотини олиб борди ва бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 5,7 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутати рўйхатга олинди. Шу тариқа барча 135 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови якунланди.

●○●●▶ 2

▽ Муносабат

***Инсон қадр-қиммати улуғ тутиладиган Ўзбекистондек юртни дунё кезиб топиш қийин. Буни биргина биз кексаларни эъзозлаш, манфаатларимизни таъминлашга қаратилаётган эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Пенсия пулларимизнинг йилдан-йилга ошириб борилаётгани биз нуронийларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.***

## КЎНГЛИМ ТОҒДЕК ЮКСАЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги, айниқса, мени жуда тўлқинлантириб юборди. Истиқлолимиз шарофати билан халқимизнинг азму шижоати туфайли эришаётган улкан муваффақиятларимиз кўз олдимда гавдаланди. Шунингдек, унда ижтимоий соҳага эътибор, ўзаро меҳр-муҳаббат фазилатларига урғу берилганки, бу бутун халқимизни қувонтиргани шубҳасиз. Табрикдаги қуйидаги жумлаларга эътибор қилинг-а: "2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда". Бу ҳонадонларимиз ободлиги, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги бемисл саъй-ҳаракат, кекса-ю ёшларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик эмасми?!

Ўтган йилга назар ташлайдиган бўлсак, биз кексаларга эътибор жуда катта бўлди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилганларга яна бир қулайлик яратиб берилди. Республикамиздаги санаторий-курортларда бепул даволаниб дам олишлари йўлга қўйилди. Қарияларга бундай кенг эътибор фақат Ўзбекистонда яратилаётганини дилдан ҳис қилиб турибмиз.

Ёшим 71 да бўлса ҳам уйда ўтириб қолганим йўқ. Жамоат ишларида фаолман. «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг тадбирларига таклиф қилишади. Ҳурматимни жойига қўйиб, саёҳатларга ҳам олиб чиқишади. Айниқса, касаба уюшмасидан миннатдорман, байрамларда совға-салом улашиб, кўнглимизни кўтаришади. Яна эътиборлиси, ҳар йили мени касаба уюшмаси ҳисобидан «Ishonch» газетасига обуна қилишади. Бундай хайрли ишлардан жуда хурсандман.

Кексаларни эъзозлаш йили янада муваффақияту шодликларга бой бўлишига ишонаман. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз», деб билгувчи юртда яшаётганимиз учун ҳамиша дуодамиз: Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнайверсин, биз қариялар узоқ умр кўриб, ёшларга бахт-саодат тилаб юраверайлик.

**Худойберди НАЗАРОВ,**
**Қарши тумани, Қовчин қишлоғи**

## ЮРТИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

***Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Янги йил байрами тадбирлари юксак савияда ташкил этилгани халқимизга кўтаринки кайфият бахш этмоқда. Ушбу хайрли ишларда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам фаол иштироки таъминланди. Чунончи, ҳудудларда "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйлари ҳамда болалар махсус мактаб-интернатларидаги Янги йил байрами тадбирлари юқори савияда ўтказилди.***

**Қорақалпоғистон Республикаси.** Сил касаллигига қарши кураш болалар санаторийсининг 196 нафар даволанувчисига касаба уюшмалари томонидан байрам совғалари улашилди. Нукус шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги мактаб ва МТМларнинг ўқувчи ва тарбияланувчилари, Хўжайли туманидаги 3-махсус мактаб-интернати, Нукус шаҳридаги 4-махсус мактаб-интернат, Қўнғирот туманидаги 56-, 26- ҳамда Тахтакўпир туманидаги 23-мактабларнинг бир гуруҳ ўқувчиларига ҳомий ташкилотларнинг янги йил совғалари улашилди.

**Андижон.** Вилоятдаги 4 та "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшовчилар, Андижон шаҳрида жойлашган "Болалар шаҳарчаси" ва 11 та махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига совғалар тақдим этиш, байрам муносабати билан ушбу муассасаларга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш ҳамда тантанали тадбирлар ташкил этиш учун шаҳар, туман ҳокимликлари ва ҳомий ташкилотлар томонидан 44 млн. 105 минг сўм сарфланди. Андижон шаҳридаги кексалар ва ногиронларга мўлжалланган "Саховат" уйида "Андижон биокимё заводи" ОАЖ томонидан байрам совғалари ҳамда муассасанинг моддий-техника базасини яхшилаш учун анжомлар тақдим этилди.

**Бухоро.** Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида ўтган тадбирда Ипотекабанк, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан совғалар тарқатилди. Шунингдек, 27-имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида ўтган тадбирда «Ғарбгазтаъминот», Бухоро — Телеком корхоналари, Марказий деҳқон бозори, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухоропахтасаноат» ОАЖ ҳудудий бирлашмаси томонидан топширилган байрам совғалари болажонларга қувонч бахш этди. «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйига ҳам бирлашма кенгаши, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан ҳомийлик ёрдами уюштирилди.

●○●●▶ 2

▽ Нуқтаи назар

***Термиз шаҳри тарихидан дарак берувчи кўҳна қалъа, мустаҳкам истеҳкомлар ва архитектура обидаларига боқиб ҳайратдан лол қоласиз. Бу замин икки ярим минг йиллик тарихни бағрида яшириб ётибди.***

## ШАРҚ ГАВҲАРИ

Ўтмиши ва келажаги буюк Термиз мустақиллик йилларида қайта туғилди, десак муболаға эмас.

— Қадим шаҳарнинг бугунги иқболи муҳтарам Президентимизнинг 1991 йил охирида Сурхондарёга ташрифидан бошланган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Соатмурод Жўрақулов. — Ўшанда давлатимиз раҳбари Термизнинг бой тарихига, жаҳон тамаддунидаги муносиб ўрнига холисона баҳо бериб, миллий қадриятларимизни тиклаш замони келгани, шаҳар меъморчилигини ислоҳ қилиш, маънавиятни юксалтириш, қурилиш, саноат, тадбиркорлик салоҳиятини кенгайтириш ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини айтганди.

Президентимизнинг ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши натижасида Термиз шаҳри ривожланди. Хорижий инвестициялар кириб келди, қўшма корхоналар ишга тушди. Буюк ипак йўлининг асрлар бўйи ғубор босиб ётган бекатлари қайта юз кўрсатди. «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги ҳамда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳар янгича қиёфа касб этди.

— Термиз археология музейи кишилик тарихини, маданиятини ўзида жамлаган, Парижнинг Луври, Санкт-Петербургнинг Эрмитажи даражасида бўлган ўзига хос бебаҳо қомус, — деган эди Япониядаги Соко университети профессори Кюдзо Като. — Бу даргоҳни зиёрат қилганларнинг кўнглида ўзбек халқининг ўтмиши буюклигига шубҳа қолмайди. Халқнинг бугунги кунига, келажагига қизиқиши ортади. Термиз — табаррук ва муқаддас замин. Мен шу юлдузи чарақлаб турган шаҳарнинг фахрий фуқароси бўлганимдан фахрланаман.

●●●○▶ 4

# ЮРТИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида соғломлаштирилаётган 26 нафар чин етим болалар ҳамда дам олувчилар учун байрам тадбири ташкил қилиниб, болажонларга совғалар ҳамда кийим-кечаклар топширилди.

**Самарқанд.** Вилоятдаги "Мурувват", "Саховат" уйларида янги йил тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Оқдарё туманидаги 63-ёрдамчи мактаб-интернатида, 6-, 9-«Меҳрибонлик» уйларида, Каттақўрғон шаҳридаги 5-ёрдамчи мактаб-интернатида байрам тадбирлари ташкил этилиб, болажонларга совғалар улашилди.

Самарқанд шаҳридаги "Меҳрибонлик" уйида тарбияланиб, ҳозирги кунда оила қурган ёш оиланинг 3 хонали уйи вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, ота-онасиз қолган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларининг 300 нафарига касаба уюшмаларининг совғалари топширилди.

**Сирдарё.** Гулистон шаҳридаги "Наврўз" тўйхонасида, Болалар шаҳарчасида, 71-мактаб-интернатида янги йил тадбирларида иштирок этган 200 дан ортиқ етим болага байрам совғалари топширилди. Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг 245 нафар фарзандининг вилоятда ўтказилган "Президент арчаси" тадбирларида иштироки таъминланди.

**Жиззах.** Жиззах шаҳридаги 32-ақли заиф болалар ҳамда кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатларида ташкил этилган тадбирда тарбияланувчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар улашилди. Шунингдек, янги йил арафасида ўтказилган "Президент арчаси" тадбирларида "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари ҳамда болалар махсус мактаб-интернатларида тарбияланаётган 1154 нафар болаларга байрам совғалари топширилди. Бундан ташқари, вилоят бўйича уруш қатнашчиси, 100 ёшдан ошган нуронийлар, ёлғиз пенсионер ва ногиронлар ҳамда эҳтиёжманд оила вакилларига вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар, жумладан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳомийлигида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

**Сурхондарё.** Ҳомий ташкилот ва муассасалар, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тайёрланган янги йил совғалари Термиз шаҳридаги "Меҳрибонлик» уйи, Шўрчи туманидаги махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган, вилоят сил касалликлари диспансерида даволанаётган болаларга ҳамда Термиз шаҳри ва туманлардаги эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар фарзандларига тарқатилди.

**Қашқадарё.** Китоб, Қамаши туманларидаги "Меҳрибонлик" уйларидаги тарбияланувчиларга ҳомийлар томонидан янги йил совғалари тарқатилиб, "Муборакнефтгаз" УШК томонидан байрам дастурхони ташкил этилди. Шунингдек, Қарши шаҳридаги 18-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати, 17-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси, 33-имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб-интернати ҳамда Чироқчи туманидаги ақли заиф болалар учун махсус мактаб-интернатлари ўқувчиларига ҳомий ташкилотлар томонидан янги йил дастурхони ташкил этилди.

**Тошкент шаҳри.** "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмларда хизмат чоғида ҳалок бўлганлар ва боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига Президент совғалари топширилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан цирк томошаларига маҳаллаларда истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар, хизмат чоғида ҳалок бўлган ва ногирон ҳарбий хизматчиларнинг бир гуруҳ фарзандларига чипталар берилди.

**Навоий.** Зарафшон шаҳридаги "Меҳрибонлик" уйида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида маданий тадбир ташкил этилди. Нурота туманидаги "Эркаклар мурувват уйи"да ҳам ҳомийлар томонидан байрам тадбири ташкил этилди.

Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик" уйида ўтган байрам тадбирида болаларга ҳомийлар томонидан совғалар улашилди. Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қизилтепа туман кенгаши, туман тиббиёт бирлашмаси, туман ҳокимлиги ва "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида байрам тадбири ташкил этилди.

**Наманган.** Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 26-"Меҳрибонлик" уйида ўтказилган тадбирда 55 нафар тарбияланувчига спорт кийимлари совға қилинди. Шунингдек, шаҳар ва барча туман касаба уюшма кенгашлари томонидан турли маданий ва манзилли тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Наманган шаҳридаги 6-ногирон болалар уйи ҳамда туманлардаги махсус интернатларда тарбияланаётган ногирон болалар ҳолидан хабар олинди.

Наманган шаҳридаги ёлғиз қариялар "Саховат" уйи, Поп туманидаги "Мурувват" уйида яшовчи қарияларга иссиқ кийимлар олиб берилди. Шунингдек, ҳозирда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Ёлғиз кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Қишки таътил даврида касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан Янги йил саргузаштлари томошаси учун вилоят театрларига 3000 нафар болага чипталар олиб берилди.

**Фарғона** вилоятидаги "Меҳрибонлик" уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг 621 нафарига касаба уюшмаларининг совғалари топширилди.

Марғилон шаҳридаги 1-"Меҳрибонлик" уйи, Марғилон шаҳар кўзи ожизлар учун махсус мактаб-интернати, Бағдод туманидаги 88-махсус мактаб интернати, Фарғона шаҳридаги 86-махсус мактаб-интернати, Кўзи ожизлар учун махсус мактаб интернати ҳамда "Мурувват" уйининг бир гуруҳ тарбияланувчиларига совғалар улашилди.

**Хоразм.** Хива туманидаги 20-"Меҳрибонлик" уйи, 97-ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 121-кўзи ожиз болалар мактаб-интернати, Урганч шаҳридаги 93-санаторий типидаги мактаб-интернати, Хонқа туманидаги вилоят санаторий типидаги мактаб-интернати, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 40 нафарига касаба уюшмалари ва корхона, ташкилотлар томонидан совғалар тақдим этилди. Шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳимоя қилишда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 207 нафар фарзандига янги йил совғалари берилди.

**ЎзКУФКнинг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими**

# МУСАФФО ОСМОНИМИЗ ШУНҚОРИ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

### ИЛК ПАРВОЗ БАХШ ЭТГАН ТУЙҒУ

М.Ёдгоров илк бор вертолёт кабинасига ўтириб, устози ёрдамида парвозни амалга оширган кунни шундай эслайди:

— Ўқишга кирганимдан сўнг назарий билимларни пухта эгаллашга интилдим. 2-курсда амалий ўрганиш машқи бўлиб ўтди. Вертолётда илк бор парвозни амалга оширдим. Шунда ҳам ҳаяжон, ҳам чексиз фахрни туйдим. Бу касбга бўлган меҳримни янада оширди.

Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаб, хизмат фаолиятини бошлаган ёш йигит ёрдамчи учувчи сифатида машғулотни юксак савияда бажариб, устозлари ишончини оқлади. Шу кунга қадар у қанчадан-қанча парвозларни амалга ошириб, мусаффо осмонимиз осойишталигини сақлаб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Олий ҳарбий таълим муассасасида олган сабоқларини хизмат фаолияти давомида янада мустаҳкамлашида устозлари подполковниклар Жамолиддин Рўзиев ва Дилшод Сатиловнинг хизматлари катта. Айни пайтда Тошкент ҳарбий округидаги десантчилар қисмида вертолёт отряди командири вазифасида хизмат қилиб келаётир.

— Подполковник М.Ёдгоров юксак касбий маҳоратга эга мутахассис бўлиш билан бирга, гўзал инсоний фазилатлар соҳиби ҳамдир, — дейди ҳарбий қисм командири подполковник Равшан Абдиев. — У командирлик қилаётган вертолёт отряди шахсий таркиби иштирокида шу кунга қадар ҳамкорликдаги кўплаб дала-ўқув машғулотларини ўтказдик. Машғулотлар мобайнида унинг етук командир ва ўз ишининг устаси эканлиги яққол кўзга ташланди.

2006 йили Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг учувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсида ўқиб, билим ва кўникмасини янада оширган подполковник М.Ёдгоров ҳам бугун бир гуруҳ ёш учувчиларга устозлик қилиб келяпти.

### ОИЛА — БАХТ ҚЎРҒОНИ

Атрофга тун ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Бугунги хизмат фаолияти самарали якунланганидан мамнун подполковник М.Ёдгоров қадрдон оиласи бағрига шошиляпти. Йўл-йўлакай фарзандлари ва рафиқасига совға олишни унутмади. Фарзандларига ширинликлар, рафиқасига гул сотиб олди. Хуш кайфият билан уйи томон шошилди. Қадрдон эшиги қўнғироғини босаркан, ичкаридан қизлари — Моҳинур ва Гулруҳ ҳамда ўғли Султонбекнинг «дадам келдилар» деган овозлари эшитилди. Улар олдинма-кейин югуриб келиб унинг бўйнига осилишди. Бу бахтнинг, бу қувончнинг ўрнини ҳеч нарса босолмаса керак. У фарзандларининг юзидан ўпиб, келтирган ширинликларини улашди. Тўққиз ёшли Моҳинур бугун иккита беш баҳо олганини айтиб мақтанса, олти ёшли Гулруҳ эса боғчада ашула айтиб, устозидан раҳмат эшитганини шошиб сўзлаб берарди. Эндигина уч ёшни қаршилаётган Султонбек эса дадасининг ҳарбий бош кийимини олиб, ичкарига югуриб кетди. Рафиқаси Гўзал эса ошхона эшиги олдида жилмайиб турарди. Фарзандлари хоналарига югуриб кетишгач, оила соҳиби қўлидаги гулдастани рафиқасига узатди... Оила соҳибаси меҳр билан гулдастани олар экан, чиройли табассум ила миннатдорлик билдирди. Дастурхон ёзилиб, оила жамулжам ҳолда кечки овқатни тановул қилишди.

— Мен нафақат ҳарбийнинг рафиқаси эканлигимдан, балки юксак инсоний фазилатларга эга инсон билан яшаётганимдан мамнунман, — дейди Гўзалхон. — Турмуш ўртоғим менга самимий дўст, садоқатли ёрдир. Фарзандларимизга ҳам чексиз меҳр кўрсатади. Ҳарбийга турмушга чиқиб, кам бўлганим йўқ. Шу боис, ўғлимнинг ҳам келажакда отаси каби ҳарбийлик касбида камол топишини жуда-жуда истайман.

Юртимизнинг, мусаффо осмонимизнинг ишончли ҳимоячиси, оиласининг таянч устуни бўлиб келаётган подполковник Муҳаммадали Ёдгоров камтарона хизматлари муносиб тақдирланганидан янада руҳланиб, бурчини шараф ила ўташига, вазифасини виждонан адо этишига ҳамда бундан-да юксак марраларни забт этишига ишончимиз комил.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**катта лейтенант**

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**



*Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қамаши туман кенгаши томонидан Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ижодкор ўқитувчилар, фахрий педагоглар ва ёшлар учрашуви ташкил этилди. "Қайноқ диллар садоси" дея номланган ушбу тадбирда маҳаллий шоир-ёзувчилар сўзга чиқиб, ижод намуналаридан ўқиб беришди.*

# ҚАЙНОҚ ДИЛЛАР САДОСИ

— Соғлом бола йили қамашиликлар учун ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди, — деди биз билан суҳбатда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Феруза Абдураҳмонова. — Тумандошимиз Абдимурод Бозоров Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, яна бир қанчаси самарали меҳнатлари эвазига давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар туфайли ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш самарадорлиги ошди. Яқинда 50 нафар эҳтиёжманд ва илғор педагогларнинг Самарқанд вилоятига саёҳати ташкил қилинди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Бугунги тадбирнинг аҳамиятига келсак, устоз ижодкорлар ва ёшлар ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатиш ҳамда кексаларимизни эъзозлаш бош мақсадимиз бўлди.

— Тадбирдан жуда ҳаяжонландим, — дейди ҳаваскор ижодкор, олий тоифали немис тили ўқитувчиси Эштўхтар Элмуродов. — Қамаши ижод мактаби жонкуярларидан кўп нарсани ўрганиш мумкин.

**Акмал АБДИЕВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**Ўқув-семинар**

***Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган йиғилиш ва конференцияларни ўтказиш тартибига оид ўқув-семинар ташкил этилди.***

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Барча туман, шаҳар кенгашлари ва намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этган тадбирда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг вазифалари, ижтимоий шериклик масалалари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, жамоа шартномасини тузиш, унга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, касаба уюшмаси фаолиятини юритишга оид услубий қўлланманинг жамланган тақдимоти намойиш этилди ва иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**"Ishonch" мухбири**

# ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

***Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинарда жамоа шартномаси якунларига доир йиғилиш-конференцияларни ўтказишни ташкил этиш юзасидан фикрлашиб олинди.***

Республика кенгаши масъул ходимлари ва бирлашма кенгаши бўлим мудирлари тизим ташкилотларида амалдаги шартномалар муҳокамасига тегишли ташкилий тадбирларни ўтказиш услублари хусусида атрофлича тўхталишди.

Ҳисоботлар ва янги жамоа шартномаларини тузиш тартиби, меҳнат муҳофазаси, ходимларга хавфсиз иш жойларини яратиш борасида касаба уюшмаларининг ўрни хусусида Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхта Бозоров маърузаси тингланди.

* * *

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳам шу мавзуда ўқув-семинар ташкил этилди. Тизим бошланғич ташкилотлари етакчилари ва касаба уюшма фаолларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**Ўз мухбиримиз**

# МАЗМУНЛИ КЕЧДИ

***Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги бошланғич ташкилотлари учун жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилишларни ҳамда ҳисобот сайловлар ўтказишга оид ўқув-семинар ўтказилди. Унда йиғилишларни ўтказиш ва ҳисоботларни тайёрлаш, қарорларни расмийлаштириш бўйича намунавий ҳужжатлар тарқатилди.***

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Акромова, бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири О.Қозихонова, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича бош мутахассис М.Эгамовнинг маърузалари тингланди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

**Тадбир**

# ФАРАҲЛИ ДАМЛАР

***"GM-Ўзбекистон" қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси томонидан автомобилсозларнинг фарзандлари учун Янги йил байрами ташкил этилди. Корхона ҳудудига кираверишда ўрнатилган катта арча атрофида бўлиб ўтган Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги тадбир болажонларга бир олам қувонч улашди.***

— Бу йилги тадбирларга яқин атрофдаги 41-мактабгача таълим муассасаси ҳамда 60-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчилари ҳам таклиф этилди, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Эҳтиёжманд оилаларнинг 60 нафар фарзандига янги йил совғалари тақдим этилди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси болажонлар учун катта байрам тадбирининг асосий қисмини 6-8 январ кунлари Андижон шаҳридаги "Чўлпон" кинотеатрида ўтказишни режалаштирган.

**Ўз мухбиримиз**



***Тошкент вилояти. Янги йил тадбирларида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли ҳамда Бўка туманидаги «Меҳрибонлик» уйларида байрам тадбири уюштирилди.***

Унда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар ҳамда Бўка тумани кенгашлари томонидан мазкур «Меҳрибонлик» уйларининг бир гуруҳ тарбияланувчиларига совғалар топширилди. Шунингдек, бирлашма кенгаши томонидан болажонларга совғалар ва «Жар» спорт соғломлаштириш марказида ўтказиладиган «Сеҳргарнинг янги йил саргузашти» номли байрам томошасига чипталар тарқатилди.

Байрам тадбирларида болажонлар учун махсус концерт дастурлари намойиш этилди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

***

Шу куни сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайлов миллий сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган очиқлик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилганини қайд этди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг изчил амалга оширилгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Сайловолди кампаниясида қонунчиликда белгиланган барча учун мажбурий ва бир хил норма ҳамда талабларга тўлиқ амал қилинди.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, сиёсий партиялар ва улар томонидан илгари сурилган депутатликка номзодларга сайловолди кампанияси, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, 150 депутат, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланганини маълум қилди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларидир. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизлардир.

Сайланган 150 депутатдан 40 нафари илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлгани, балки парламент Қонунчилик палатаси фаолиятида уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги бўйича амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолияти сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаси, жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашр ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материал эълон қилинди.

5 халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 52 хорижий давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи ва депутатликка номзодларни илгари сурган сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакили сайловни мониторинг қилиб борди.

Барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг уюшқоқлик билан мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига асосланган фаолияти сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши, ушбу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўлга содиқлигини яна бир бор намоён этди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

Унга кўра, 1 АҚШ доллари 2424,23 сўм, 1 Россия рубли 43,11 сўм, 1 ЕВРО 2960,23 сўм.

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

